

## **Апелляция инстанцияси шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилмоқда**

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари кучайтирилди. Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашга хизмат қиладиган кассация инстанцияси тубдан ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди.

Айтиш керакки, апелляция инстанцияси суди қонунда белгиланган ваколатлар доирасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини шикоят (протест) бўйича қайта кўриб чиқиш ваколатига эга.

Ушбу қоидага асосан, апелляция инстанцияси суди агар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини қонунга мувофиқ, деб топган тақдирда, уни ўзгаришсиз қолдиришга, берилган шикоят ёки келтирилган протестни қаноатлантирмасликка ҳақли.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд амалиётида жорий этилган ушбу институт амалда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Буни қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди.

Биринчи босқич судининг 2013 йил 27 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ш.Холиқов Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳукмда у жазони манзил колонияларда ўташи белгиланган.

Ш.Холиқов 2012 йил 5 февралда Жиззах туманида яшовчи Н.Диёрованинг хонадонига бориб газ ҳисоблаш ускунасини алмаштириб бериши ва газ истеъмоли учун тўловни амалга ошириш зарурлигини айтиб, хонадон эгасининг 260 минг сўмини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Шунингдек, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Х.Қодировнинг 200 минг, Р.Ботировнинг 500 минг, П.Аҳмедовнинг 330 минг, Ў.Қобиловнинг 280 минг, М.Қосимов ва Қ.Чўлиевларнинг 150 минг сўмини фирибгарлик йўли билан олиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборади.

Айтиш керакки, Ш.Холиқовнинг ҳимоячиси апелляция тартибидаги шикоятда жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини баён қилиб, суд ҳукмини ўзгартиришни, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги амнистия тўғрисидаги қарорини қўллаб, уни жазодан озод қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу шикоятдаги важларни иш материаллари билан бирга ўрганиб чиқди. Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши зарурлиги қайд этилган. Биринчи босқич суди мазкур қонун талабларига риоя қилган. Ш.Холиқовнинг жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан тўғри малакалаб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 3-бандида қайд этилган "жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг

шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак", деган раҳбарий кўрсатмасига риоя қилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисмида "Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди", деб белгиланган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-бандида Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 180-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, белгилаб қўйилган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу иш юзасидан жабрланувчиларга етказилган зарар Ш.Холиқовнинг қариндошлари томонидан тўлиқ қопланганлигини инобатга олди. Ш.Холиқовнинг содир этган жинояти Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра, ижтимоий хавфлилик даражаси унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 2-бандида эса, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Юқорида қайд этилган асосларга кўра, апелляция инстанцияси суди биринчи босқич судининг Ш.Холиқовга нисбатан ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштирди. Апелляция инстанцияси суди ажрими билан Ш.Холиқовга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди. Ш.Холиқовнинг 2013 йил 27 ноябрдан 2014 йил 28 январга қадар қамоқда ўтирган вақти Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг олти ой тўққиз кунига тенглаштирилиб ўталган деб ҳисобланди. Ўташ учун икки йил беш ой йигирма бир кун ахлоқ тузатиш ишлари қолдирилди. Шунингдек, Ш.Холиқов Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 2-бандига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ҳам озод қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, апелляция инстанцияси суди шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли таъминлаш, жабрланувчи ва судланувчиларнинг қонуний манфаатларини самарали таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Жавлон ЖАББОРОВ,**

жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси